



# ЖАМИЯТ

№ 26 (662)  
2019 йил  
12 июль,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru



Ўзбекистон Республикаси  
давлат мустақиллигининг



йиллигига

## «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!»

*Бу ҳаётда чинакам озод мамлакат ва озод инсонгина бахтли бўлиши мумкин. Бинобарин, одамда эрки бўлмаса, мустақиллик бўлмаса, бошқа ҳеч нарса татимайди. Мана, 28 йилдирки, халқимиз ҳақиқий бахт нелигини ҳис қилиб яшамоқда. Инсон манфаати улуғланган сиёсат юритилаётгани тўғрисида истиқлолнинг нақадар бебаҳо неъмат эканини янада теранроқ англаб етмоқдамиз.*

Бугун биз тили, дини, эътиқоди, тинчлиги, буюк ишларга қодир халқига эга Мустақил юрт фарзандларимиз. Истиқлол шарофати билан юртимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий жиҳатдан дунёда ўз ўрнига эга мамлакатга айланди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори билан республика комиссияси тасдиқланди. Мазкур комиссия «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган бош гоюни ўзи-

да мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий талбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқади.

Қарорда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар — аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ях-

шилаш, тadbиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқимиз учун энг улуг, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан кутиб олиш, бу қутлуғ санани унинг моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонлашимиз керак.

Истиқлол шодиёналарида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар страте-

гияси, шунингдек, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ҳар бир оила — тadbиркор», «Ёшлар — келағимиз», «Беш ижобий ташаббус» каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг маъно-мазмуни ҳамда руҳини мужассам эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тadbирларни таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари иштирокида ташкил этишнинг режалаштирилгани бу улуг байрамнинг янада улғуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Давоми 2-саҳифада ►►

4-5-саҳифаларда

Ушбу сонда:

Саида Мирзиёева  
нимани истайди?


«Ғойибдан келган  
нажот»

Сутка давомида  
ОТМга ҳужжат  
топширишингиз мумкин

«Мол-мулкни порага  
олмаган бўлсанг, исботла!»

ҚИСКА  
САТРАЛДАРДА  
ЎҚИҢГ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июль куни Мўғулистон Президенти Халтмаагийн Баттулгани миллий байрам — Халқ революцияси куни билан табриклади.



Ўзбекистон Республикаси  
давлат мустақиллигининг



йиллигига

◀ Бошланғичи 1-саҳифада

## «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!»

Байрам муносабати билан ўтказилган тадбирларда йиғилганларга мамлакатимизни модернизация қилиш, турли соҳа ва тармоқларни либераллаштириш борасида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар бу йўлдаги дастлабки қадамлар эканини тушунтириш, шунингдек, баландпарвозлик, расмиятчилик ва юзакилик ҳолатларига йўл қўймасдан, ҳолиселик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга экани қарорда таъкидлаб ўтилди.

Барча ҳудудларда байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вақилларидан иборат ижодий гуруҳларнинг кенг жалб этилиши халқимизнинг шодиёна кайфиятини, руҳиятини янада кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қарорда шунингдек, Маданият ва

зирлиги Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини ўтказиш айтиб ўтилди. Фолиб ва совриндорлар Мустақиллик байрами арафасида эълон қилиниши таъкидланди. Бундай ташаббус, албатта, халқимиз таъбири билан айтганда тўйнинг тўйдай, байрамнинг байрамдай ўтишини таъминлайди. Чунки бундай янги ижод намуналари байрам тантаналарида халқимиз эътиборига ҳавола этилади-да.

Ана шундай эзгу ташаббусларнинг мантқий давоми сифатида Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тегишли тапшиқотлар билан биргаликда «Энг улуг, энг азиз», «Рағлар жилосида — она дийёр», «Ватан учун яшайлик!» каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни ўз зиммасига олиши белгиланди.

Бундай катта шодиёнани нишонлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам байрам тантаналари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳоимийлик хайриялари ҳисобидан, Тошкент шаҳрида эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланиши унинг беками-кўст нишонланишида мустақам пойдевор вазифасини ўтайди.

Халқнинг энг улуг, энг азиз байрамини нишонлаш дунёнинг барча мамлакатларида бор. Лекин уларнинг кўпчилигини билмаймиз, ёхуд мазмун-моҳиятини у қадар англай олмаймиз. Бундай вазиятда эса оммавий ахборот воситаларининг ўрни намён бўлади. Чунки бирор давлатнинг истиқлолга эришганини дунё халқларига айнан ОАВдек мукамал ва кенг етказиб бера оладиган восита бўлмас керак. Шунинг учун ҳам Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий комму-

никациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа қатор оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш, Истиқлолимизни дунёга янада кенгроқ ёйиш вазифаси юклатилди. Айтиш мумкинки, бунинг учун юртимизда барча қўлайликлар муҳайё.

Мана шундай эъзозу эҳтиром халқимиз учун хексиз ифтихор, шу билан бирга катта ишонч ҳамдир. Шундай экан, фидойилик, меҳнаткашлик, иқтидоримизни халқ фаровонлиги йўлида сарфлаш мустақиллигимизни янада мустақкамлашга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик, азиз юртдошлар!

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,  
«Жамият» мухбири

## «Ғойибдан келган нажот»

Ўқсиб-ўқсиб, унсиз йиғлаётган аёлга ҳеч дуч келганми-сиз? У бизга етти ёт бегона бўлса-да, унга ачинамиз. Дардини билгимиз, ёрдам бергимиз келади. Аммо у жиноят содир этиб, кўлига кишан солинганидан ўқсиб, афсус чекиб, кўз ёш тўкаётган бўлсачи? Аёл деган буюк номга доғ тушириб, жиноят кўчасига қадам босганга инсоннинг раҳми келиши душвор. У энди аёл, она деган табаррук сўзлардан Мосуво. Озодликдан маҳрум этилиб, кўлига кишан солинган жиноятчи!

Ҳар гал аёллар жиноятчилиги бўйича ҳукм ўқилганида, юрагимда алланечук туйғулар галаён кўтарали. Унинг орзуларга лиммо-лим келажаги ҳам кишанлангани, озодликдан маҳрум этилганини ўйласам, юрагим оғрийди. Аммо илож қанча!? Жиноятчи қилган ишга қонун олдида жавоб бериши шарт. Айниқса, у қайта-қайта жиноят содир этган бўлса.

Наврўза Каримова (исм-шарифлар ўзгартирилган) аввал ҳам қилган жинояти бўйича 16 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Аммо у бу ишдан тўғри ҳулоса чиқармади. Фарзандлари келажагини ўйламади. «Ўрганган кўнгил — ўртанса қўймас», деганларидек у яна мўмай даромад илдинжада психотроп дори воситалари



олди-сотдиси билан шуғуллана бошлади.

Жорий йилнинг 13 март санасида Яккасарой тумани ИИО ФМБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор

тадбирда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Абдулла Қаҳҳор кўчасида жойлашган тўйхона олдида Н.Каримова қонунга энг равишда психотроп дори воситасини фуқаро Гуллола Жамоловага пуллаётган вақтда қўлга олинди.

Н.Каримова шу йилнинг февраль ойи охири ёки март ойининг бошида унга ўзини Чарос деб таништирган шахс кўнғироқ қилиб, жазо муддатини бир жойда ўтагани, бемор онасига «таблетка» топа олмаётганини айтиб, мазкур дори воситасини топиб беришни илтимос қилади. Моддий томондан қийнаётган Наврўза учун бу гўёки «ғойибдан келган нажот» эди. Н.Каримова ҳеч иккиланмай Чароснинг илтимосини бажаришга ваъда беради. 13 март куни эса вақтинча яшаш жойи — Қўқондан, доимий яшаш жойи — Олмалик шаҳрига келиб, бу ердаги гаражлар орасида сақлаб келаётган дори воситаларини олади ва Чаросга кўнғироқ қилади. Унга ҳар бир конвалютани 25 минг сўмдан 22 дона конвалютани жами 375 минг сўмга беришини айтади. Сўнг улар келишилган манзилда учрашишга қарор қилишади. Бироқ Н.Каримованинг савдоси ниҳоясига етмай қолди. Ўша куни кечга яқин

Суд очерки

Наврўза келишилган манзилга келганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Камчиликсиз инсоннинг ўзи бўлмайди. Кимдир билиб, кимдир билмай хато қилади. Аммо мана шу хатони ўз вақтида англаган кишининг ҳаёти изига тушиб кетар. Бироқ қайта-қайта хато қилганининг тақдирини? Биргина хато заҳми йиллар давомида азоб-уқубат, афсус-надомат домида юришга маҳкум этади. Шу бонс ҳам ҳаётда қандай йўлни танлаш инсоннинг ўзига боғлиқ.

Н.Каримованинг қаромоғида ҳали икки ёшга тўлмаган норасида эгизак фарзандлари бор эди. Унинг кўзига мана шу норасидар ҳам кўринмади. Арзимаган даромад илдинжада у яна хатога йўл қўйди. У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25, 273-моддасининг 5-қисми билан айбдор деб топилиди ва 5 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланди. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибда жиноят ишлари бўйича Миродод туман судининг 05.04.2019 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазо муддатига қисман қўшиш йўли билан Н.Каримова узил-кесил ўташ учун 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Далилий ашё сифатида олинган дори воситалари йўқ қилинди.

Темур КАСИМОВ,  
Жиноят ишлари бўйича  
Тошкент шаҳар  
Яккасарой тумани суди судяси



Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси олдида 2023 йилгача автомобиль ишлаб чиқариш ҳажмини 250 мингдан 350 минг донага, экспорт ҳажмини камида 100 минг донага етказиш вазифасини қўйди.

**Охирги пайтларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг тўнғич кизи Саида Мирзиёева ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турибди.**

## Саида Мирзиёева нимани истайди?

Унинг ўзим қузатган охирги уч ойдаги фаолияти таҳлили мени хурсанд қилди ва қўлимга қалам олишга ундади. Очиги, мен кимдир мақташу олқиш ёдириш ёшидан ўтганман ва бундан қандайдир манфаат ҳам кутмайман. Ш.Мирзиёевнинг барча соҳаларга бераётган эркинлиги шарофати билан «Нотиқлик санъати академияси» таълим масканини очганман ва тинловчиларни ўқитаман. Худога шукр, қора қозоним яхшигина қайнаб турибди. Лекин гап бошқа ёқда. Бир инсон ҳаракат қилиб, янгиликлар сари интиляптими, бунга ўз ўрнида эътироф этиш ҳам лозим.

Биринчидан, мен бир илмий муассасанинг матбуот котибиман. Яқинда эълон қилинган Президент қарори билан янги ўқув йилидан бошлаб бошлиқнинг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчи, мавқеим эса унинг ўринбосарига тенглаштириляпти. Камга маошимизга 50 фоиз устама тўланадиган бўляпти. Албатта, раҳмат дейман.

Қарорга имзо қўйган давлат раҳбари, бироқ уни тайёрлашда ташаббус қўсатган айнан Саида Мирзиёева эди. Демак, қисқа вақт ичида бутун бошли бир тизимни чуқур ўрганиб, уни юқори босқичга олиб чиқиш учун комплекс ечим топа олди. Бу вазиятда унинг мавқеи қўл келганим соҳа учун бир ютуқ, аслида.

Очиги, ахборот хизматлари ходимларининг шу кунларда тили дадиллашди, юрагига ўт тушди, ҳуда-беҳудага бошимизни қотирадиган, матбуот котиби деганда нуқул ўзини мақташ билан шугулланадиган ходимни тушунадиган ташкилот раҳбарлари гимирлаб қолди.

Ошкоралик сари юрилмоқда, журналистларнинг эркин ва тезкор ахборот олишини таъминлаш йўлидаги тўсиқлар бартараф этиляпти. Матбуот котиби деган номи бўлгани билан уларнинг аксариди шароит йўқлиги ҳам айни ҳақиқат. Ҳатто, интернет ва қўл телефони бўлмаган котибдан нимани ҳам

талаб қилиш мумкин? Ёки умрида бир қоғоз мактуб ёзмаган кимсаларнинг «ёғли жойлар»да матбуот котиби лавозимларини эгаллаб олганию, журналистларни оёғининг учи билан кўрсатишини ҳаммамиз биламизку. Марҳамат, имтиёз билан бирга маъсулият ҳам ошади энди.

Иккинчидан, Алламжонов ва Мирзиёева бошқараётган агентликда деярли ҳар ҳафта кизиқарли матбуот анжуманлари ўтказиляптики, журналистлар ҳам турли вазирлик, идора ва муассаса раҳбарларига саволлар бериб шошириб қўяпти. Медиа макондаги ҳаётимиз янада кизиқарли бўла бошлади, ҳеч ким зерикаётгани йўқ, фикрлар, илгор гоёлар жўш уряпти. Демакки, агентлик раҳбариятида демократик интилиш бор. Мирзиёева журналистларни ҳурмат қилишини очик-ошкор кўрсатмоқда. Яхши билса керакки, сўз ва фикр эркинлиги ҳар қандай демократик жамиятнинг асосий устуни. У пишиқ қилиб қурилса, қолган безак-анлоз унинг устига барпо этилаверади.

Бу билан Президентимизнинг ислохотларини амалга оширишда тўлдирувчи вазифасини бажаряпти. Бу билан халқнинг кўз ўнгида ўзинга ҳам, давлат раҳбарига ҳам қўшимча сибсий ва маънавий дивидендлар келтиряпти.

Соҳамга тўғри келгани учун журналистлар байрами мида қилган нутқини интернетдаги сайтларнинг биридан олиб, диққат билан эшитдим.

Унинг чиқишларида сўз равлониги ва содаллиги, мантиқ-мушоҳада, изчиллик, муаммони ўртага қўя билиш ва унинг ечими, коммуникатив мулоқотга комплекс ёндашув сезилмоқда.

Учинчидан, энг асосийси, реал ҳаётдан узилиб қолмаган. Журналистлар касб байрами оқшомидаги нутқидан Тошпўлат Раҳматуллаев, Карим Баҳриев, Комилжон Шамсидинов, Турсунали Акбаров, Рўзбой Қўлдошев, Жамшид Ниёзов, Хусан Нишонов, Хусан Эрматов

каби журналистлар ҳам тилга олингани мамнун қилди. Улар билан хайрихоҳ ва ҳаётини яхши билган инсон сифатида бу қаҳрамонлик бўлди.

Масалан, самарқандлик Тошпўлат ака танқидий мақолалари учун узоқ йиллар ҳокимият вакиллари томонидан таъийнларга учраган бўлса, «Хурият» газетасининг илк бош муҳаррири ва ўз вақтида соҳада ҳақиқий юлдуз сифатида порлаган Карим Баҳриевнинг мақолалари цензура сабабли узоқ йиллар чиқарилмай келарди. Турсунали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги айрим ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини аёвсиз танқид қилар экан, қамоқ остонасидан қайтиб келганини ҳам унча-мунча ижодкорлар яхши билади.

Истеъдодли ва жасур, ҳақиқатпараст ижодкор Комилжон Шамсидиновнинг ҳам охирги пайтларда ЎзАда берилаётган қатор интервьюлари миллий журналистикадаги тарихи солномаларида биттишга арзийди. Хуллас, дўстларим ва укаларим учун хурсанд бўлдик.

Саидахоҳнинг эфир уларнинг барчасини, қолаверса, соҳа вакиллари ни хушнуд қилгани аниқ. Аслида бу каби фидойи журналистлар учун бирор унвон ёки мукофот ҳам керак эмас. Озгина эътибор ва эҳтиром қалбини осмон қадар юксалтиради.

Тўртинчидан, у «ҳамма

нарсга қодир» ва «кўп қиррали истеъдод эгаси» каби сифатларга интилмапти. Балки бугун шиддат билан ривожланаётган муайян бир соҳани чуқур эгаллашга уринаётган мутахассис сифатида ишини давом эттирмоқда.

Саидахоҳ томонидан муҳтарам Президентимизнинг Рамазон ҳайити муносабати билан оиллада ош тайёрлаш чоғида тушган сурати эълон қилиниши бир кунда миллионлаб фойдаланувчиларга етиб борди ва халққа янада яқинлаштирди. Шу вақтга қадар Ўзбекистон раҳбарининг оиласи даврасида таом пишириб турган табиий ва жонли расми оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганини

қузатганмидик? Йўқ!

Менинг қарашимча, фақат ўз оиласида бахтиёр инсонгина бутун мамлакатни бахтли қила олади. Бу шунчаки расм эмас, балки Президентнинг ижобий имизи бўлиши ва у кишининг бутун халқ билан биргаллигини, оиланинг муқаддас гўшалиги ва

дан бошлаб барча мактабларда мажбурий татбиқ этилиши кутилаётган ўқувчиларнинг мажбурий мактаб формаси ҳам бекор бўлди. Бу — эҳтиёжман, ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитига салбий таъсир этмасдан қолмас эди. Жамиятда оиласида бир неча нафар мактабга қатновчи фарзанди бор ва уларнинг барчасига бирданига мажбурий форма олиб беришга қурб етмайдиган оилалар ҳам борлигидан кўз юма олмаймизку. Шу аснода Мирзиёева жамиятдаги энг қуйи қатламнинг аҳолини ҳам яхши билишини кўрсатди.

Беш ташаббуснинг муҳим бўлаги бўлган китобхонлик маданиятини ошириш ва китоб тарғиботини кучайтириш, ёшларни мусиқа ва спортга жалб этиш йўлидаги кундалик ишларини ҳам хайрихоҳлик билан кузатиб бораёмиз.

Ўзбекистоннинг бой маданияти, моддий мероси, бетакрор манзаралари, ноёб табиати ҳақидаги туркум адабиётларни хорижга тарғиб қилиш ва бу орқали сайёҳлар оқимини кўпайтириш ҳамда туризм соҳасидан тушадиган



унда барча тенг аъзо эканлиги, фаолияти шаффофлигини кўрсатди.

Бешинчидан, албатта, Саидахоҳ ҳуқуқшунос сифатида ҳар бир масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига устувор

аҳамият қаратиши табиий, ammo у ижтимоий муаммоларни ҳам пухта ўрганаётгани сезилмоқда. Маасалан, кутилмаганда Бўка туманига бориб, мактабларни айланди, қурилаётган спорт майдончаларию ташкил этилган тўғарақлар билан бафуржа танишди. Бу ўрганишдан кейин муҳим баёнот билан чиқди. Натижада жорий ўқув йили-

даромадларни ошириш йўлида қўл ураётган лойиҳалари ҳам маъқул келмоқда.

Ҳар биримиз ҳам фарзандларимиз камолтини кўришни истаймизки, уларнинг кичик бир ютуғи ҳам бизнинг ҳаётга иштиёқимизни оширади, илҳомлантиради. Президентнинг кичик қизи — Шаҳноза Мирзиёева ҳам салкам 2 йилдирки оғриқли соҳа — мактабгача таълим тизимида ишлаб келмоқда.

Шундай шароитда мен ижтимоий тармоқдаги айрим фойдаланувчиларнинг мулоҳазаларига шундай жавоб бергим келади: баски, шу юрт тараққиётига ёрдами тегаётган экан, ҳўш, нима учун энди Президент қизи уй бекаси бўлиб ўтириши керак?!

**Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,**  
филология фанлари номзоди,  
«Нотиқлик санъати академияси» таълим маскани раҳбари



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиалида тўлиқ «5» баҳога ўқийдиган талабалар учун 1 миллион сўмдан вилоят ҳокимининг стипендијаси берилади.



# «Мол-мулкни порага ёхуд коррупцияни жиловлаш бўйича халқаро тажриба»

Суюкли шоиримиз Абдулла Орипов суҳбатларимиздан бирида порахўрлик каби иллатларни одамнинг тирноқларига ўхшатган эдилар, яъни у тугамайди, ўсиб чиқаверади, фақат вақти-вақти билан мунтазам қирқиб туриш керак. Коррупцияни батамом енга олган мамлакат йўқ. Халқаро рейтингда биринчи ўринда турадиган Янги Зеландия 100 баллдан 89 балл олган, холос. Аммо коррупцияни самарали жиловлаш олган мамлакатлар бор. Уларнинг тажрибаси бизга фойдалидир. Шундай қилиб...


**Эстония**

Бу мамлакат коррупцияга қарши кураш борасида муваффақиятга эришган мўъжаз мамлакатлардан бири. 1990-йилларда Эстонияда коррупция ва уюшган жиноятчилик чуқур илдири отган эди. Ушбу мамлакатда коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларидан бири ахборот технологиялари хизматларининг бошқаруви ва давлат хизматларига фаол жалб қилингани бўлди. Бугунги кунда Эстония Европа иттифоқида ИТ-технология соҳасидаги илғор мамлакат ҳисобланади. Мамлакат тўлиқ бепул Wi-Fi билан, 98 фоиз ҳудуди эса симсиз интернет билан қамраб олинган.

Ахборот технологиялари ривожланиши коррупция муаммосини тубдан ҳал қилиш имконини берди. Биринчи гада бунга «электрон ҳуқумат»ни жорий қилиш орқали эришилди. 2000—2005 йилларда мамлакатдаги ҳамма ҳужжатлар айланиши электрон шаклга ўтказилган ва барча эстонияликлар ягона маълумотлар базасига уланган. Амалдорларга керак бўладиган барча маълумотлар — иқтисодий статистика, суд, архив ҳужжатлари, тиббиёт карточкаси ва фуқаролар шикоятлари давлат маълумотлар базасида жойлашган. Тизим шундай яратилганки, ҳар қандай амалдор маълумотлар базасига кириб, фуқаронинг маълумотларига назар ташласа, унга ўзгартириш киритиш ёки киритмасликдан қатъий назар ўз қолдиради. Яъни гаразли давлат хизматчилигининг қилмишини бир баҳяда аниқлаш мумкин.

Мен айнан «электрон ҳуқумат» тизимини ўрганиш учун 2015 йилда Эстонияда бўлганман. Кўрганманки, ҳатто, қувуридан сув оққан киши сантехника ҳам интернетдан буюртма беради, тиши оғирган киши стоматолог қабулига ҳам уйдан туриб ёзилади, фирма очмоқчи бўлган киши ҳам уйдан чиқмай, тегишли шаклни тўлдирган ҳолда ҳужжат топширади ва тез муддатда олади, чунки у шаклда ўз исми-шарифини ё картаси рақамини ёзиши билан тизим ўзи қайда яшаши, соғлиги ва ҳоказо маълумотларни давлат тизимидан олади ва аризини тўлдиради. Бирор ерга бориш, маҳалладан, солиқдан ва бошқа бир ердан справка тўлаш шарт эмас.

Эътиборли жиҳати шундаки, амал-

дорлар ва фуқаролар қарийб мулоқот қилмайди ёки бир-бирини жуда камдан-кам ҳолларда кўради. Эстонияликлар солиқ декларациясини электрон тарзда топширади. Масалан, 2010 йилдаёқ 97 фоиз декларация интернет орқали юборилганди. Юридик шахсни рўйхатга олиш 15 минутда ҳал бўлади, бунда талбиркор кабинетма-кабинет сарсон бўлмайди. Эстония 2007 йилда дунёда биринчи бўлиб ўз фуқароларнинг сайловда электрон тарзда овоз бериш имкониятини яратди.

Тегишли ҳужжатларни олиш учун фуқаро жойида суратга тушиб, электрон сканерда имзо қўйиши, бармоқ изларини топшириб, давлат божини тўлаши kifоя. Барча зарур ҳужжатлар автоматлаштирилган режимда тизимга келиб тушади. Барча ҳаракатларга бор-йўғи 10 дақиқа кетади. Ҳужжат тайёр бўлган, фуқарога электрон почта ёки мобиль алоқа орқали хабар келади. Ана шу тартибда е-мактаб, е-полития, е-тиббиёт тизимлари ишлайди. Ота-оналар фарзанди машғулотга қатнашган-қатнашмаганини билиб олади, унинг уй вази-фалари ва баҳоларини кузатиб боради. Эстонияда давлат идораларида узундан-узоқ навбатларга барҳам берилди.

Эстонияда хавфсизлик полицияси олий даражадаги мансабдор шахсларни (вазирлар), давлат прокуратураси эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги коррупция ҳолатларини тергов қилиш билан шуғулланади.

Барча ҳуқумат ҳужжатлари уч кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим. Шу сабабли амалдорлар ҳужжатдаги ҳар бир қоида-ни исботлаб, тўшунтиришга тайёр туриш керак. Ҳар йили юқори мартабали амалдорлар ўз мол-мулк ҳақида декларация топшириши керак. Бу маълумот кенг жамоатчилик учун очиқ манбада жойлаштирилади.

## Сингапур



Мустақилликка эришган вақтда Сингапурда коррупция ниҳоятда авж олган эди. Ли Куан Ю бу даврни шундай ифодалайди: «Коррупция — Осиё ҳаётининг ўзига хос хусусиятидан биридир. Одамлар «мукофот»ни очикдан-очик қабул қилишадди, бу улар ҳаётининг бир қисми эди. Уни йўқотишда


**Олмония**

Германия жамиятда коррупцияга қарши курашиш борасида тизимли, шаффоф ва очиқ механизмларни яратган мамлакат. Transparency International ташкилотининг охириги ҳисоботида кўра, Германия 180 та мамлакат орасида 81 балл билан 12-ўринни эгаллаган. Оммавий ахборот воситалари бу ерда коррупция ҳолатлари ҳақида кескин материаллар ҳавола этади.

Коррупцияга мойиллик юқори бўлган ҳар бир соҳада ўзига хос кураш усуллари татбиқ этилган. Масалан, Давлат харидлари шаффофлашган — тендерлар ҳақида маълумотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади, унинг ҳар бир босқичига (тайёргарлик, саралаш, тендер ва ҳисобга олиш) турли кишилар жавоб беради. Олмонияда коррупциялашган ташкилотларнинг «қора рўйхати» юритилади ва ҳар бир тендер ўтказилганда ёки шартнома тузилганда шу рўйхатга назар солинади.

Немис амалдорларини пора эвазига оғдириб олиш деярли имконсиз, чунки улар бир лаҳзада барча нарсалардан — мансабидан, имтиёзлардан, жумладан, кафолатланган пенсиядан қуруқ қолишдан кўрқали.

Германиядаги сезиларли ўзгаришларга полиция ва прокуратурада коррупцияга қарши бўлинмалар кучайгани, аноним хабарлар учун «ишонч телефонлари» йўлга қўйилгани, жиноят ва солиқ полициясининг яқин ҳамкорлик қилганлиги сабаб бўлмоқда. Илм-фан: олимлар коррупцияга сабаб бўлувчи барча омилларни чуқур талқин қилмоқда. Аён бўлишича, амалдорнинг пора олишга тайёргарлиги ушбу лавозимда икки йилдан ортиқ ишлаганидан сўнг ўсиб боради экан. Шунинг учун ҳокимият йирик буюртмалар тақсмоти ёки зарур рўхсатнома бериш билан шуғулланадиган ходимларни тез-тез алмаштириш чораларини кўради. Амалдор бу мансабда узоқ қолмаслигини яхши билади ва кейинги ишини эгаллаши учун ҳалол ишлаши лозимлигини тушунади.

Олмонияда хизмат ва совғаларни олишга оид қатъий қоидалар жорий этилган. Амалдор ёки давлат хизматчиси ёхуд ваколатли шахс томонидан олинган ҳар қандай совға, хизмат ёки бошқа қандайдир наф пора ҳисобланиши мумкин. Масалан, талаба томонидан домла тавсиянома ёзиб бергани учун миннатдорлик сифатида шоколад совға қилинса ҳам «ортиқча эътибор» ҳисобланади. У ҳеч қанақа совға олишга ҳаққи эмас.

1998 йилда Олмонияга борганимизда Бош прокуратура, Олий Суд, Бундестаг (парламент) каби турли идораларда бўлдик. Ўзбекчилик — чопон, дўппи, пичоқ каби совғалар олиб борганмиз. Қайси идорага кириб раҳбариятига совға қилсак, аввал рад этади, жуда қўймасак, ходимини чақириб, қанча туришини сўраб, кирим қилиб, ҳужжатлаштириб қўяди. Чунки 5-7 доллардан қиммат нарса совғага олиш мумкин эмас экан.

Биз ўзбек мусаввири Исфаҳидиёрнинг «Олтин куз» асари Лувр музейида сақланганидан Осиёлик замонавий рассомнинг ягона асари эканидан фахрланамиз. У қандай Луврга олинган? Бу Ўзбекистон раҳбари Франция Президенти Миттеранга совға қилган асардир. У ўзига олиши мумкин бўлмаганидан, музейга топширган.

Ўзбекистонда дори ишлаб чиқарувчилар ёки сотувчиларнинг шифокорлар билан тил бириктириши кузатилади. Арзон дори турганда шифокор қиммат, кучли дориларни ёзиб беради... Германияда кардиостимулятор ишлаб чиқарувчилар ва шифокорлар ўзаро тил бириктириб, ноқонуний иш олиб борганлиги аниқланиб, қаттиқ чоралар кўрилган. Siemens ва Daimler компаниялари дунёнинг турли мамлакатларида мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириб олиб, ўзлари учун фойдали битимларни қўлга киритишгани кенг қамровли суд ишлари, қамоқ жазолари, сибсатчиларнинг истъфога чиқишига, бир неча миллион евролик жарималарга олиб келди.

Олмонияда нодавлат нотижорат ташкилотлари коррупцияга қарши курашишда муҳим ўрин тутди. Улар аҳолининг хабардорлигини ошириш, порахўрлик ва коррупцияни қоралаш, жамоатчилик муҳокамасини ташкил қилиш, мазкур қабиҳ иллатга қарши ислохотларни илгари суриш борасида ўз сўзи ва овозига эга.

Адлия вазирлиги «Биз коррупцияга қаршимиз» номли мегатанловни эълон қилди. Танловга материаллар шу йилнинг 10 августига қадар қабул қилинади.

# олмаган бўлсанг, исботла!»

ишни ўз дўстларингиздан учтасини панжара ортига ўтказишдан бошланг. Нима учунлигини сиз ҳам, улар ҳам яхши биласизлар. Жазонинг муқаррарлиги коррупцияни жиловлаб турувчи биринчи омилдир. Иккинчи омил — бозор даражасига мос келувчи маошдир. Биз энг кўп маош тўланадиган ўн фоиз кишиларнинг дароматига диққатимизни йўналтирганмиз. Модомики, мансабдорларимиз энг кўп ҳақ олмас экан, уларнинг ҳукуматга нима кераги бор?»

Коррупцияга қарши курашишда Сингапур қандай қилиб, муайян натижаларга эришди? Сингапур бош вазир Ли Сяньлуннинг қайд этишича, бунга сабаб тўртта омилни кўрсатиб ўтиш мумкин. Биринчидан, Сингапур Буюк Британия мустақамлака ҳукуматидан тоза ва ишлайдиган тизимни мерос қилиб олади. Иккинчидан, мамлакат етакчилари тизимни ҳал қилди.

тоза уш-лашга ҳаракат қилиш ади.

Ли Куан Ю

ҳокимиятга келгач, ўзи

ва партиядошлари оқ қуйлак ва оқ шим кийишди. Бу уларнинг ҳукуматни тоза ва коррупциядан холи тутиш ниятининг рамзи эди. Бу ўшандан бери Сингапур ҳукумати учун асосий тамойил бўлиб келади. Учтинчидан, кучли сиёсий хоҳиш ортидан Сингапурда коррупцияга қарши ишончли, институционал ва комплекс тизим яратилди. Бу тизим мустаҳкам қонунлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, давлат хизмати ҳамда жамоатчилик назоратини қамраб олди. Сингапурнинг Коррупция амалиётларини тергов қилиш бюроси мустақил давлат органи бўлиб, ҳар қандай фуқарони, полиция ходимини, вазирларни тергов қилишга ҳақли ҳисобланади. Мамлакатда давлат хизматчиларига хусусий секторда топшиш мумкин бўлгандан кам бўлмаган миқдорда ойлик маош тўланади ва шунга яраша мезон ҳамда талаб қўйилади. Тўртинчидан, Сингапур коррупциядан холи жамият ва маданият яратдики, халқ ҳукуматдан тоза ва ҳалол тизимни кутади ҳамда талаб қилади. Бугун бирор бир сингапурлик муаммони пора эвазига ҳал қилмайди, порага дуч



келса, давлат идорасини хабардор қилади.

## Хитой

Буни Шарқ дейдилар. Хитойда бошқарув тизими асрлар давомида коррупциянинг турли кўринишларини одагга айлантирган, пора қарийб қонунийлашган бўлган. Масалан, Цин династияси даврида давлат амалдори совга билан келмаган мурожаатчини қабул қил-

уртоқлар, сиз ҳозиргина коррупционер-амалдорларнинг қатлини томоша қилдингиз. Энди эса эртанги об-ҳаво маълумотлари билан танишинг»...

1978 йилда Хитойда Дэн Сяопин томонидан «ислохотлар ва очиқлик сиёсати» эълон қилинади. Шундан сўнг мамлакатда «ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти» ҳаётга татбиқ этила бошланди. Хусусий секторнинг тарраққий этиши, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши билан коррупция кўлами ҳам кенгайиб борди ва Хитойнинг халқаро обрўсига, иқтисодий мақсадларига тўсқинлик қила бошлади. Хитойлик экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, ХХРнинг коррупция туфайли иқтисодий йўқотишлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 13 – 17 фоизини ташкил қилади. Давлат маблағларининг 20 фоизга яқини ноҳалол амалдорларнинг чўнтагига бориб тушган. Хитой олий миллий аудитори маълумотларига кўра, мақсадсиз ишлатилган бюджет маблағларининг умумий миқдори 8,5 миллиард доллардан ошди. Ҳар йили айнан коррупционерларнинг қўмағида жиноятчилар томонидан 25 миллиард доллардан ортиқ маблағ леголлаштирилган.

2000 йилнинг бошига келиб, Хитойда «коррупцияга қарши уруш» стратегияси эълон қилинди. Бу стратегия ўзининг қаттиқлиги, кенг қўлламлиги ва «тарбиявий мақсадни кўзлагани» билан ҳам дунё ҳамжамиятини ларзага солиб келади.

2008 йилги Олимпиада арафасида чет эллик меҳмонларнинг кайфияти ва асабини бузмаслик учун қатл намойишлар вақтинчалик тўхтатилган эди. Кейинчалик Олимпиада тугаши билан жараён давом этмоқда.

2000 йилдан бери Хитойда суллар томонидан 10 минг амалдор отувга ҳукм қилинган, яна 120 минг нафари эса 10 йилдан 20 йилгача бўлган мuddатга қамоқ жазосига тортилган. Хитойда коррупционерларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, уларнинг оиласига қатл пайтида ишлатилган икки дона ўқ учун 8 юан миқдорида ҳисоб ҳам юборилади.

Хитойда коррупцияга қарши самарали чоралардан яна бири барча бўғиндаги давлат органларида кадрлар ротациясидир. Хитой коммунистик партияси Марказий қўмитаси ва Сиёсий бюроси тегишлича 51,5 ва 36 фоизга янгиланди. Марказий интизом комиссияси таркиби эса қарийб 80 фоизга янгиланди.

2012 йилда ҳокимиятга келган Си Цзиньпин мамлакатда коррупцияга қарши том маънода уруш эълон қилди. Унинг фикрича, мамлакатнинг асосий муаммоларидан бири айнан коррупциядир.

Сўнги 30 йил давомида Хитойдан 4 мингдан ортиқ партия амалдорлари қочиб кетган. Улар ўзлари билан 7,1 миллиард доллардан ортиқ маблағни олиб кетишган.

## Гонгконг

Коррупция Гонгконг учун ҳам бегона одат эмас эди, аммо бугун бу ерда жуда катта тажриба ва муваффақиятга эришилган. Зеро, давлат раҳбарияти кучли хоҳиш, қатъият ва изчиллик намойиш этган.

Гонгконг 1974 йилдан коррупцияга қарши чораларни амалга оширишга киришди. Коррупцияга қарши учта тасирчан чора қўлланди:

Биринчи чора. Амалдорлар учун айбсизлик презумпцияси бекор қилинди. Унинг ўрнига, агар мол-мулкни порага олмаган бўлсанг, исботла деган тамойил жорий қилинди. Гонгконг қонунчилигига кўра, агар амалдор чет элгаги ҳисоб-рақамдаги маблағлар ёки мол-мулк қонуний йўл билан олинганини исботлаб бера олмаса, 15 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Иккинчи чора. 1974 йили Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия тузилган. На ички ишлар вазирлиги, на хавфсизлик идоралари комиссия ишига аралаша олади. Комиссия аъзоларининг ойлик маоши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлариникига қараганда 20-30 фоиз юқори. Комиссия нафақат порахўрларни аниқлайди, айни пайтда профилактика ишлари билан ҳам шуғулланади, яъни коррупцияга мойиллик юқори бўлган органларда, хизматларда фаол иш олиб боради. Комиссия доимий



равишда порахўрлар томонидан янги схемалар ўйлаб топилаётгани ёки қўлланилаётганини ўрганиб, уларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириб боради. Комиссия ҳар қандай вазирлик ёки идорала, агар зигирчалик шубҳа бўлса ҳам, текширув ўтказишга ҳақли.

Учинчи чора. Оддий одамлар ва журналистларга порахўрлар ҳақида маълумот бериш имконияти берилган. Одамлар мустақил комиссиянинг қайсидир маънода ёрдამчисига айланган. Журналистлар эса ҳар қандай амалдорнинг иши билан тўлақонли танишиб чиқиш имкониятига эга. Бундан ташқари, Гонгконгда пора берувчиларни жазолаш бекор қилинган. Амалдор ҳар доим айбдор.

Энг муҳими, коррупционерларни қўлга олиш, қидириш билан боғлиқ барча тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади. Одамлар юқори мартабали амалдорлар жазо олаётганини кўриб, ҳис қилиб туради. Одамларда коррупцияга қарши курашишга нисбатан ишонч ортган. Улар ҳукуматнинг бу борадаги саяё-ҳаракатларини тўлақонли қўллаб-қувватлайди.

Юқоридаги каби тажрибалар Ўзбекистон учун ўрганилиши зарур ва улар халқимизга умид беради.

Карим БАҲРИЕВ

**2000 йилдан бери Хитойда судлар томонидан 10 минг амалдор отувга ҳукм қилинган, яна 120 минг нафари эса 10 йилдан 20 йилгача бўлган мuddатга қамоқ жазосига тортилган. Хитойда коррупционерларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, уларнинг оиласига қатл пайтида ишлатилган икки дона ўқ учун 8 юан миқдорида ҳисоб ҳам юборилади.**



Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга оширишга кўмаклашиш ва молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди.



## Ўлмай туриб «ўлган»лар

Сўнги пайтларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда халқ вакиллари бўлган депутатлар фаолияти кескин танқид қилинмоқда. Депутатларнинг ҳаммаси ҳам жойларда аҳоли вакиллари билан учрашиб, аниқ ҳолатни ўрганиб, ижро ҳокимияти устидан парламент ва депутатлик назоратини олиб бормаяпти. Мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича депутатлик сўрови институтидан оқилона фойдаланмаяпти.

Ахир, партиянинг сайловларда берган ваъдаларини амалга оширувчи ҳақиқий куч бу — депутатлик корпуси ҳисобланади-ку? Айрим депутатлар ўз ваколатлари ва ма-

сулиятини ҳамон тўлиғича англаб олмаяпти: на бир масала юзасидан аниқ ташаббус билан чиқади, на ўз сайловчилари билан учрашиб, мулоқот ўтказида... Афсуски, Кенгашлардаги сессия ва доимий комиссия йиғилишларида иштирок этиб, қўл кўтариб, тасдиқлаб беришдан бошқасига ярамаяпти. Аммо халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтиш тўртинчи сессияси ҳақида бундай дея олмаймиз. Чунки бу галги сессия ўтган сессиялардан том маънода фарқ қилиб, шаффофлик руҳида, қизгин баҳсу мунозараларга бой ўтди. Депутатлар куннинг долзарб масалаларини муҳокама қилишди.

### Зайнаб БЕРДИЕВА:

Олий Мажлис Сенати аъзоси,  
ХДШ депутатлик гуруҳи раҳбари,  
вилоят кенгаши депутати:

— Депутатлик гуруҳимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарорининг Самарқанд шаҳридаги ижроси ўрганилди, депутатлик сўровномалари юборилди. Натижада, Самарқанд шаҳри ҳудудида жойлашган 40 та қабристонга хизмат кўрсатувчи махсус техникалар янгиланди, 27 та қабристон назоратчиси ва қоровул штат бирлиги жорий қилиниб, барча ишчилар махсус кийимлар билан таъминланди. Биргина «Навбоғчиён» қабристонига маҳаллий бюджет ҳисобидан 158 миллион сўм маблағ ажратилиб, 218 метр қисми девор билан ўралди. Мавжуд 500 метр деворлар қайта таъмирлан чикарилди. «Супер» қабристонига эса 130 миллион сўм маблағ ажратилиб, 205 метр қисми девор билан ўралди. Ишчилар учун замонавий типдаги ювиниш хонаси, омборхона, тобутхона, таҳоратхона ва ҳожатхоналар қуриб берилди.

Аммо ўрганишлар давомидаги тегишли қонун талабларининг Самарқанд шаҳридаги ижроси талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд қилинган қарори ижросига қўра, шаҳардаги Хўжа Абду Дарун қабристони жойига бориб ўрганилганида айрим қабрлар чўкканлиги, қабрларни сақлаш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби бузилганига гувоҳ бўлдик. Дафн этишга ажратилган участкага узунлиги 1,5 метр, эни 1 метр ва баландлиги 0,5 метрдан 1 метргача ўлчамда қабр усти ёдгорликлари ўрнатиш белги-ланган бўлса-да, айрим қабр ёдгорликлари 10-16 квадрат яъни узунлиги 3-4 метр, эни 4 метр, баландлиги эса 2 метр ва ундан юқори қабр усти ёдгорликларини қўриб ажабландик.

Айрим қабр ёдгорликлари устига катта-катта гўмбазлар қурилгани етмагандек, шу қаби қабр ёдгорликлари ёнида бир-икки жойлар номаълум сабабларга қўра, эгаллаб олинганидан ҳайратда қолдик. Ҳатто, айрим қабр тошларда тирик одамнинг туғилган санаси-ю, йили, исм-шарифи ёзиб қўйилганига нима дейсиз? Ахир, бу кетишда шахримиздаги мазорлар ер майдонлари қисқариб кетмайдими? Бундай манзараларга диний уламоларимиз нима деркин?

Бегмурод ИСМОИЛОВ,  
Тойлоқ тумани бош имом-хатиби:

— Ҳақиқатдан бу жуда долзарб мавзу. Бугунги кунда халқимиз зеҳниятида «Мен сендан кам эмасман!» деган манманлик туйғуси авж олган. Яъни ота-онаси, яқин қариндошларига тирикчилигида эҳтиром кўрсатмайди-ю, у дунёга кетгач, қабрларига катта-катта сангу мармарларни ўрнатиб, зебу зийнатга бурқаб, камига ўзларига жой ажратишлик, тирик юрган баъзи одамлар ўзларига қабртоши ёздириб қўйишдек хунук манзараларни кузатаямиз. Бу муқаддас Ислому динимизда, шариатимизда кўрсатилмаган. Аксинча, бу жараёнлар муқаддас ҳадис китобларимизда қаттиқ қораланган. Биз ким билан қўшни бўлаемиз? Бизга қабристоннинг қаеридан жой тегади? Бу муҳим жиҳатлар эмас! Мўмин-мусулмоннинг олдидан турган асосий бурчлардан бири — Аллоҳнинг ундан рози бўлиши, у дунёга рихлат қилган одам иймон билан кетиши керак. Бу борда биз диний уламолар ҳам халқимиз ичида маънавий тарғиботни кучайтиришимиз керак.

Султонмурод РАЗЗОҚОВ,  
пенсияер, Тойлоқ тумани  
Олмазор қишлоғи:

Яқинда қишлоғимиз қабристонига бир йигит қабртошга ўйиб ёзилган, қушлар бўлбаб кетган арабча диний оятларни зўр бериб намчил лагга билан артаётганини кўриб қолдим. «Ёмон ўрнашиб қоларкан, кимёвий мосламада зўрға тозаландим» деди у...

Мен айрим шаҳарлардаги муқаддас авлиёлар ётган қабристонларда жойлар «фалон пулдан, фалонгача пуллари» деган гап-сўзларни кўп эшитганман. Атрофини панжарлар билан ўраб, соябонлар қуриб, гўмбазсимон сайқал бериб юборганларини ҳам кўрганман. Тўғри, марҳумларни эслаб ёд этиш урф-олатимиз, лекин бундай нақшкор мармар тошларни қабр устига қўйишга қўйишга нечоғли ўринли? Ҳеч тушуна олмайман. Бу ўзининг ким эканлигини бошқаларга кўз-кўз қилиши? Аввало, шариатимизда марҳумга қабр тоши қўйиш мумкин эмас дейилган. Ҳозир ҳаёлимга «Туғилмаган болага, тут бешик» деган халқ нақли келди. Қандай қилиб тирик юрган одам ўзи учун қабртоши ёздириб қўйиши мумкин? Ақл бовар қилмайди!

Умид СОРИЕВ  
Манба: «xs.uz»

Бугун меъёрий-ҳуқуқий базанинг тобора такомиллаштирилаётгани тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришга хизмат қилаётган. Давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар туфайли соҳада рақобат кучайиб, борган сари маҳсулотларнинг сифати яхшиланиб бормоқда. Оддийгина шарт шу: тадбиркорлик қилмоқчимисан, марҳамат, маҳсулотинг рақобатбардош бўлсин. Шундагина бизнесинг гуллаб яшнайд.

MASTER STEEL компанияси ҳам ўзининг ана шундай синовларда тобланган, халқаро андозаларга жавоб бера оладиган рақобатбардош маҳсулотлари билан миждозлар ишончини оқлаб келмоқда.

Компания 2012 йилнинг 3 апрелида ташкил этилган. Шу кундан бошлаб, озиқ-овқат ва кимё

# MASTER STEEL

Интилиш

гунги кунда биз 20 дан ортиқ завод-фабрика қурдик ва турли хил маҳсулотлар учун зангламайдиغان пўлатдан тайёрланган 700 дан ортиқ ускуналарни

## Озиқ-овқат ва кимё саноатига кўмакчи

саноати соҳаси вакиллари учун зангламайдиган пўлатдан қувватни ишлаб чиқарувчи ускуна ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Бугунги кунда корхона кўп йиллик тажрибасига таяниб, капитал ускуналарни ишлаб чиқариш бўйича етакчига айланди. Ўзбекистон бозорига илгўр компаниялар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Компания импорт қилинган ускуналарни осонгина алмаштириладиган юқори сифатли ишлаб чиқариш ускуналари билан машҳур.

— 2012 йилдан бери ташкилотимиз ҳар йили озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўрғазма ала р да иштирок этади, — дейди компаниянинг маркетинг менежери Шахзодбек Шукруллаев. — Бу-

ишлаб чиқдик.

Мазкур корхона ўз фаолиятини атиги 10 ишчи кучи билан бошлаган эди. Бошда бир қанча қийинчиликларга дуч келган бўлса-да, айна пайта ишчи ходимлар сони беш баробарга кўпайиб, 50 нафарни ташкил этди.

Пойтахтимиздан ташқари бир нечта вилоятларда ҳам корхона филиаллари фаолият юритмоқда. Компания фаоллари соҳага доир кўрғазмаларда мунтазам иштирок этиб, ўз маҳсулотларини намойиш этиб келмоқда. Эътиборлиси, шу кунгача компания заводларида 700 тадан ортиқ ускуналар ишлаб чиқарилган. Ускуналарнинг ҳажм жиҳатдан катталиги, қамрови кенглигини ҳисобга олсак, бу яхши натижа ҳисобланади. Муҳими, миждозларнинг ишончи оқланиб, маҳсулотларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Карина БЕРТЕНЕВА

ҚИСКА  
САТРАЛДАР  
ЎҚИНИҒИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирларига бағишланган матбуот анжуманида 2019 йилнинг беш ойида тез тиббий ёрдамга 4 миллиондан ортиқ мурожаат бўлгани айтилди.

## Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси ўзгарди

Бу ҳақда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати хабар қилмоқда. Қайд этилишича, 5 июль куни Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши йиғилишида бир қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилган. Жумладан, Ассоциация кенгашининг амалдаги ра-

иси Илҳом Исмоилович Насриевнинг лавозимидан озод этиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилди.

Хабарда айтилишича, унинг ўрнига раис вазифасини бажарувчи этиб Ассоциация кенгаши раиси ўринбосари лавозимда ишлаб келаётган Насим Ҳошимович Алимовнинг номзоди маъқулланди.



## Бир нечта жамоат транспорти йўналишлари вақтинча ўзгаради

Шаҳримизда 2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича йўлларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Шу муносабат билан айрим марказий йўлларда транспортлар ҳаракати чекланмоқда, — деб хабар бермоқда Тошкент шаҳар ҳокимияти телеграмдаги каналида.

Жумладан, Тошкент шаҳри Нукус кўчасида исскилик тизимининг ер ости қувурларини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Шу боис, бу ерда транспорт воситаларининг ҳаракатланиши вақтинча чекланади.

Мазкур ҳолатни инобат олиб, Нукус кўчаси бўйлаб Миробод кўчасидан Фарғона йўли кўчасига қадар бир нечта жамоат транспорти йўналишлари ўзгаради.

Унга кўра:  
— Миробод кўчаси ва Фарғона йўли кўчалари оралиғида 12, 14, 22, 26, 37, 46, 55, 60, 78, 80, 81, 127 сонли автобус, 11, 23, 30, 67, 136, 152 сонли маршрутқалар Ойбек чорраҳасидан ўнгга, вокзал томонга;

— 22, 26, 37, 55, 60, 80 сонли автобус, 11, 23, 30, 67, 95 маршрутқалар Нукус кўчасидан Тарас Шевченко кўчалари орқали;

— 14, 46, 78 сонли автобуслар Нукус ва Амир Темури кўчалари орқали вақтинча ҳаракатланади.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар ва шаҳримиз меҳмонлари, сизлардан юқорида келтирилган ноқулайликлар учун узр сўраймиз, — дейилади ҳокимлик ахборотида.

## Ўзбекистонда айрим педагогларнинг маоши оширилади

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида «Ижод мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг атоқли адиблар номи билан аталган иловадаги айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларни қайта ташкил этган ҳолда расман «Ижод мактаби»ни ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу мактаб фаолият олиб бораётган қўйидаги педагогларнинг маоши оширилади:

- Ижод мактаблари директорлари;
- Ижод мактаблари директорларининг ўринбосарлари;
- Ижод мактабларининг чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар ўқитувчилари;
- Ижод мактаблари тарбиячилари ва тарбиячи ёрдамчилари;
- Ижод мактаблари психологлари;
- Ижод мактаблари кутубхоначилари.

## Сутка давомида ОТМга ҳужжат топширишингиз мумкин

Сўнги кунларда ижтимоий тармоқларда олий таълим муассасаларида жойлашган қабул комиссияларда узундан-узун навбатлар ва тартибсизлик юзага чиқаётгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда.

Давлат хизматлари агентлиги эслатмоқда:

- Тошкент давлат юридик университети;
- Қорақалпоқ давлат университети;

- Гулистон давлат университети;
- Фарғона давлат университети;
- Самарқанд давлат университетига ҳужжатларни Давлат хизматлари марказлари орқали топшириш мумкин!

Бундан ташқари, яна бир ажойиб янгилик!

Эндиликда, юқорида айтиб ўтилган ОТМларга ҳужжатларни куннинг 24 соати давомида, ўзингизга қулай бўлган вақтда топшириш имконига эгасиз! Вақтни бесамар сарфламанг!

## Табиатга муҳаббат

«Ўздаквантин» инспекциясидан олинган маълумотларга кўра, ташкилот таркибиде «Ўсимликлар клиникалари» ташкил этилган. Энди гулу-гиёҳларни ҳам «даволашади». Қовжиратган ниҳолга «тез ёрдам» чақиритиб, эшитган қулоққа қалати, албатта. Аммо бу турдаги хизматлар қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларда аллақачон омалашган. Ўзбекистонда ҳам уларнинг сони 200 га яқинлашиб қолди.



Интернет манбалари асосида Баҳринисо МАДУМАРОВА тайёрлади.

## «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2019 йил 29 июль куни соат 11:00 да Термиз шаҳри, С.Оллохёр кўчаси ёқасида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги объект қўйилмоқда:

«Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамиятига тегишли Шеробод туман Шеробод маҳалласи ҳудудиде жойлашган умумий майдони 3,53 га бўлган «Чорвачилик комплекси» бино иншоотлари мажмуа ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси: 7 968 746 000 сўм. Савдода иштирок этишни хоҳлаган талабгорлар объект билан «Термиз нефть база» масъулияти чекланган жамияти масъул ходими орқали танишишлари мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш учун талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб 2019 йил 26 июль соат 18:00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Термиз шаҳри С.Оллохёр кўчаси ёқаси манзилида соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 29 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирде ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса шартнома имзолангандан сўнг шартнома шарҳларини бажармаса, тақририй аукцион савдоси 2019 йил 13, 28 август ҳамда 12, 27 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) календар кун

ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган санадан бошлаб томонлар келишувида асосан мулкнинг сотилиш баҳосини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар закалат келишуви тузилганидан кейин объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдориде «SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ-нинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги (МФО:01063, ИНН:304558702), 2020 8000 3007 1118 3001 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Жисмоний шахслар: фуқаролик паспорти, СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами);

Юридик шахслар: Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда СТИР (Солиқ тўловчининг идентификация рақами).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:  
«SURXON RIELTOR SERVIS» МЧЖ Термиз шаҳри С.Оллохёр кўчаси ёқаси.

Телефон: (76) 223-77-83,  
Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-0291.

## МИБ жамғармасига ажратмалар миқдори пасайтирилади

2019 йил 1 августдан табиий газни ва электр энергиясини сотишдан тушадиган маблағлардан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар, қўшилган қиймат ва акциз солигини чегириб ташлаб, 5 фоиз миқдорда амалга оширилади (илгари тушган маблағларнинг 10 фоизи ўтказилган).

Бу «Ёқилги-энергетика соҳасида ўзаро ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент Фармонида қатъий белгилаб

қўйилди.


Фармонга мувофиқ, 2019 йил охиригача Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига уланганлар сони 2,5 миллионга етказилади ҳамда 2020 йил охиригача 100 фоиз истеъмолчилар тизимга уланади. Бунинг учун Жамғарма маблағларидан 100 миллилар сўм маблағ ажратилади. Шунингдек, 2020 йил 1 январдан прокуратура органлари ходимлари бир қисмининг таъминоти жамғармадан Давлат бюджетига ўтказилади.



Эълон

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 08.06.2019 йили 731650-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган «AGROPARTNERSHIP» МЧЖ фаолияти ихтиёрий равишда ТУГАТИЛГАННИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Кодиров Бобмурод Нурмаҳтовичга 2001 йилда Тошкент давлат авиация институтини томонидан берилган 161 ДН 055801 рақамли дипломнинг иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, 2019 йил 1 сентябрдан ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилади.

Муסיқа инсонни чексиз орзу мақсадлар сари чорлайдиган, онгу-шуури, вужудига сўнмас иродани жо айлайдиган буюк мўъжиза! Бу оламга бир бора ошурфта бўлган юрак борки, доимо энг гўзал ўй-хаёллар оғушида яшайди. Зеро, унинг кучи ва таъсири чексиз эканлиги барчага аён. Шу боис, тингловчини мафтун этадиган, мукаммал ва сеҳрли садо таратувчи ҳар бир санъаткор эъзоздаги ижодкорга айланиши муқаррар.

## «Маҳатма Ганди» «Ҳавас» гуруҳига ташаккур айтди



Ғулумжоновларнинг оилавий «Ҳавас» гуруҳини кўпчилик яхши танийди. Иқтидорли фарзандлардан иборат мазкур оила ўз номи билан ҳавас қилишга арзийди. Мазкур гуруҳ Қаҳрамон ва унинг укаси, икки нафар синглисидан иборат. Оиланинг тўнғич фарзанди Қаҳрамон Ғулумжонов «Ниҳол» мукофоти совриндори, кўпгина халқаро ва республика кўрик-танловлари ғолибидир. Ҳозирда у Ўзбекистон давлат филармониясида бастакор. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг энг навқирон аъзоси.

«Ҳавас» гуруҳи бутун дунёга юртимиз довруғини таратиб, санъат оламида ўзларининг муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда. Айниқса, 2016 йил Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида

ўтказилган «Дил Ҳаи Ҳиндустани» халқаро кўшиқлар кўрик-танловида Қаҳрамон Ғулумжонов «Олтин диск» соҳиби бўлиши, ёш ижодкорларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиди. Мумбай саҳнасини улар ижросидаги куй-кўшиқлар «титратиб» юборди. Шундан сўнг Ҳиндистонликлар таклифи билан улар бу мамлакатнинг кўплаб шаҳарларида концерт-дастурлари уюштиришди.

2019 йилнинг январь ойида Қаҳрамон Маҳатма Гандининг 150 йиллигига бағишлаб куйлаган кўшиғи учун Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг «Ташаккурнома»сига сазовор бўлди. Бундан илҳомланган ижодкор янада улкан марраларни забт этишга, муסיқа оламида ўзидан муносиб из қолдиришга астойдил киришди. Шундан

сўнг у олийгоҳда олган билимларини оқлаш мақсадида ўзи басталаган куйларини китоб ҳолига келтирди. Кунги кеча Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлари уюшмасида унинг «Парвоз завқи» номли китобининг тақдими ўтказилди.

— Онамнинг алла-ю эртакларида ажиб ҳисни — инсон ҳаётини камолотга етакловчи кучни сезардим, — дейди Қаҳрамон Ғулумжонов. — Шу боис бўлса керак, муסיқага бўлган ихлосим балинд. Эртаклар

ичида менга энг ёқадигани — «Илонпар» эди. «Парвоз завқи» китобидан мана шу эртакка басталанган куйим ҳам ўрин олган.

Дарҳақиқат, фарзандлар тарбияси, униб-ўсиши, билим олишга қизиқиши, аввало, оилада шаклланади. Унинг истеъдодини тўлиқ очиб бериш эса ота-онанинг эътибори, яратиб берган шарт-шароитига боғлиқ. Рустам ака ҳамда Матлуба опа ҳам фарзандларининг эртаси, камолоти учун барча имкониятларни яратиб берди. Улар қалбда санъат, муסיқага бўлган меҳрни уйғота олди.

— Фарзандларимизнинг дунёси — муסיқа, санъат дунёси бўлишини чин дилдан хоҳлаганмиз, — дейди рассом, санъатшунос Рустам Эрматов. — Орзуларимизни рўёбга чиқариш мақсадида турмуш ўртоғим билан астойдил ҳаракат қилдик. Шукрки, орзуларимиз рўёбга чиқди. Фарзандларимиз санъат, муסיқа йўналишини танлади. Бу йўлдаги қийинчилик ва машаққатларга сабр-тоқат қилди. Соз қаломлай қийналган кезларида, улар буни уддалай олишига ишонтирдик. Ёнида камарбаста бўлдик.

Оилада маънавий муҳитнинг соеломлиги, бўш вақтдан унумли фойдаланиш заруриги, тарбиянинг тўғри йўлга қўйилгани фарзандлар эртаси, ёрқин келажаги учун замин бўлиши, шубҳасиз. Бугун Ғулумжоновлар оиласининг тўртала фарзанди ҳам халқаро танловларда иштирок этиб, қатор ютуқларни қўлга киритаётгани яхши тарбия маҳсулидир.

Юртимизда мана шундай ижодий парвознинг завқини дилдан ҳис эта оладиган, Ватан равнақиға муносиб ҳисса қўшадиган баркамол оилалар сафи янада кўпайишини истаймиш.

Баҳринисо ОТАЖОНОВА

Б-ҲАВО	
12 июль	+41°C / +26°C
13 июль	+42°C / +26°C
14 июль	+41°C / +24°C
15 июль	+42°C / +25°C
16 июль	+39°C / +21°C
17 июль	+39°C / +22°C
18 июль	+38°C / +22°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир  
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:

Рустам Қомилов  
Рустам Қосимов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Шавкат Жавлонов  
Руфат Нетьматов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-714 Адади: 1403.

Жума кунни чиқади. Қозғоқ бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Нуриддин Убайдуллаев

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 236-10-87, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@uimail.uz

Газета индекси — 131 «ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА якуни: Топширилган вақти: 20.15

1 2 3 4 6


Реклама

Эълон



bong.uz

Энди «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасида чоп этилаётган мақолалар ҳамда юртимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни bong.uz сайтида ҳам кузатиб боришингиз мумкин.



Бизни ижтимоий тармоқлардан топинг:  
Телеграм: <https://t.me/bonguz1>  
Фейсбук: [www.facebook.com/bonguznews](http://www.facebook.com/bonguznews)



Тошкент давлат юридик университети, Қорақалпоқ, Гулистон, Фарғона, Самарқанд давлат университетларига эндиликда куннинг 24 соати давомида, ўзингизга қулай бўлган вақтда Давлат хизматлари марказлари орқали ҳужжат топшириш имконига эгасиз.